

Ўзбекистон – бағрикенг диёр. Юртимизда “Бағрикенглик ҳафталиги” ўтказилмоқда



Кўп миллатли Ўзбекистон қадимдан бағрикенг диёр эканлиги бутун дунёга маълум. Термиз туманида туркман, тожик, татар, рус, қozoқ, украин каби миллат вакиллари тинч-тотув ҳаёт кечиқиб келмоқда.

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида “Бағрикенглик ҳафталиги” ташкил этилиб, ҳафталик доирасида турли маданий-маърифий, спорт ва бадий тадбирлар ўтказилмоқда.

Бугун туман Болалар мусиқа ва санъат мактабида туман ҳокимлиги, туман Маънавият ва маърифат бўлими билан ҳамкорликда **Ўзбекистон – бағрикенг диёр** маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда турли миллат вакилларига хос либослар ва китоблар кўргазмалари намойиши, концерт томошалари ташкил этилди. Концерт дастурида санъаткорлар томонидан турли тиллардаги куй-қўшиқлар ижро этилиб, бошқа миллат вакиллариининг миллий рақслари ижро этилди.

Концерт давомида туркман бахшисининг чиқишлари тадбирга ўзгача файз берди.

















